

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ  
ОЛИЙ МАКТАБИ**

“Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси

**ЎЗБЕК ЭРКАКЛАР РАҚСИ  
(АНЪАНА ВА ЗАМОНАВИЙЛИК)**

“Санъатшунослик” бўлими IV курс талабаси

Салиева Ҳилоланинг

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ**

Илмий раҳбар С.Ф.Н. доцент

\_\_\_\_\_ Т. Юлдашев

“ ” \_\_\_\_\_ 2009 йил

Тошкент - 2009

## Мундарижа

Кириш.....	3-10 бет
1 боб	
«Ўзбек анъанавий эркаклар рақси тарихи ва ўзига хослиги».....	-24бет
2 боб	
“Ўзбек эркак рақс санъатининг фидойилари ва анъанавий услубларни замонавий талқинлари”.....	25-39бет
Хулоса.....	40-45бет
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	46-47бет
Илова.....	48-52бет

## Кириш

«Маданият ва санъат, фан таълим ривожини таъминлашда аждодларимиз маънавий мероси, халқимиз руҳида яшаб келаётган илғор анъаналарга таяниш керак. Маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, уни янги давр, янгича дунёқараш нуқтаи назаридан тараққий топиш, бу соҳаларда ҳам чуқур ислохатларни амалга ошириш давлатимиз ва жамиятимиз истиқболнинг устивор йуналишларидандир. Албатта бу замонавий тушунчалар, янги услублар, кашфиётлар нечоғлик аҳамиятли бўлса, аждодларимизнинг бу соҳалардаги манъавий ижодий мероси ҳам ундан кам аҳамиятли эмас»<sup>1</sup>

И.А.Каримов.

Истиқболимизнинг илк йилларидаёқ Юртбошимиз “Янгисини яратмай туриб, эскисини бузмаслик” тамойилини илгари сурганлар. Бу билан биз куруқ маънода, бўшлиқда буюк давлат ва жамият қурадиган ва оҳир оқибат ўз жаҳолати туфайли кулгили ахволга тушиб қоладиган бевурд, хаёлпараст кимсаларни, тушунчаларни мутлақо инкор этамиз деган мушоҳадани англашимиз лозим. Ваҳоланки, шундай қарашлар ва ҳатто шундай «ихтироларни» амалий, тасвирий-ифодавий намуналари собиқ шўролар салтанатини бошланғич даврида намоён бўлган эди. Инқилобий тўнтаришларнинг илк паллаларида “пролеткультчилар” деб аталган манқуртлик касалига чалинган бир тоифа “реформаторлар” пайдо бўлган эди. Улар янги пролетлар диктатураси ўрнатилган бир пайтда ўтмишдан мутлақо ҳоли бўлган пролетлар маданияти ҳам бўлиши керак деган ғояни олға сургандилар.

На давлат ва на жамият ўтмишни маданий-маънавий меросига суянмасин деган жўн, аммо ёвуз ақидани ёқлаган эдилар. Гарчи шўро

---

<sup>1</sup> Каримов. И. А.- “Ўзбекистон 21 асарга интилоқда” Тошкент Ўзбекистон нашриёти 2000 йил 238 бет.

хокимяти кейинги даврларида бу ақидани инкор этган булса-да, ундан тамомила воз кечмаган эди.

Ўзбекистон Мустақилликни эълон қилиниши арафаларида ва унинг дастлабки паллаларидаёқ Республикамиз раҳбари жамият тизимини маънавий – марифий янгилаш ва ривожлантириш йулларини аниқлаб, тўрт асосий тамойилни белгилаб берган эди. Булар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустахкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- Ватанпарварлик

Ана шу тамойиллар мустақиллигимизни куч ва қудратини таъминлашда тарихий ахамиятга эга бўлган.

Мавзунинг долзарблиги Халқимизнинг маънавий меросини мустахкамлаш ва ривожлантириш борасида охириги ўн икки йил давомида қатор самарали ишлар амалга оширилди. Шу даврда янги пойдевори тикланаётган маданият, санъат, фан, таълим сохаларнинг буткул бошқа шароитдаги ривожини ва истиқболи учун муҳим бўлган ишлар амалга оширилди. Масалан, “ Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида” Президентининг Фармонида биноан анча ишлар амалга оширилди.

Фармонда оқилона белгилангандек: Миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, ўзбек рақс санъатининг тарихий анъаналарини ва усулларини тиклаш, авайлаб-асраш ҳамда бойитиш, миллатимизнинг ўзига хос шарқона фазилатлари, бой маънавиятига монанд рақсларни тарғиб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий рақс йўналишлари бўйича узоқ муддатли, мақсадли дастурлар тайёрлаш, рақс санъатини халқимизнинг юксак маънавияти ва нозик дидига зид бўлган, юзаки, ноўрин тақлидга асосланган хатти-ҳаракат ва либослар хуружидан сақлаш, махсус таълим тизимини такомиллаштириш, ўзбек халқининг асрлар

давомида шаклланган ва авлоддан авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб келаётган: жозибали рақс намуналарини тўплаш, бойитиш; халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига бу бебаҳо бойликларга чуқур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини сингдириш, уларда миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга нисбатан эҳтиром хисларини юксалтириш; Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги рақс йўналишларини асраш, авайлаш, шу асосда янги бадиий жамоалар тузиш, мустақиллик маънавиятини ва истиқлол ғояларини тараннум этувчи, халқимизга эстетик завқ бағишловчи замонавий ўзбек миллий рақс мактабини яратиш...”<sup>2</sup>. ишлари ва тарихий ахамиятга эга вазифалар бажарилмоқда. Авлод аждодларимиз яратган, сақлаб эъзозлаган маънавий бойликлар келажак авлодларга асрлар оша бебаҳо мерос сифатида қолдирилмоқда. Рақс азал- азалдан халқимиз севиб ижро этадиган оммавий санъат тури шаклида бизга етиб келди.

Доира садоси, рубоб нағмаси ва қўшиқ навоси билан омухта булган рақс барча шодиёналарнинг ҳамда байрамларнинг кўрки бўлиб келмоқда.

Тўйлардаги от ўйини, ёғоч оёқда рақс тушишлар, куёвжўралар ўйини миллий рақсимизнинг ўзига хос кўринишлари сифатида жозибасини сақлаб қолган.

Умуман олганда рақс санъати Ўрта Осиё ҳудудларида яшаган халқларда турмуш шароити, маросимлар, байрамлар билан боғлиқ ҳолда қадим замонлардан бери ривож топган. Қолдошлардан топилган расмлар, археологик материаллар ҳам буни тасдиқлайди. Ўзбек рақслари гавданинг нафис ҳаракатларидан иборат бўлиб, классик рақсларда бахт ва бахтсизлик, кувонч ва хафагарчилик, ҳаёт ва ўлим қайғуси билан ифодаланган. Классик рақсларнинг Фарғона, Хоразм, Бухоро услублари мавжуд. Тарихий шароит тақазоси билан фағонача услуб кенг ривожланган ва эркаклар ижро этадиган “Лаган”, “Андижон полькаси” рақслари бунга ёрқин мисол бўла олади. Ҳа эркаклар рақслари ҳусусида гап кетганда кўз олдимизга уларнинг жозибали,

---

<sup>2</sup> *Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони. 1997 йил 8 январ. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил 1 сон, 26-28 бетлар.*

нафис, мураккаб ҳаракатлар ва уларни гўёки осонлик билан ижро этиш усуллари гавдаланади.

Лекин минг афсуски бугунги кунда ўзбек миллий эркаклар рақси бироз эътибрдан четда қолмоқда. Танлаган мавзуимнинг долзарбилиги шунга асосланади.

Мавзунинг ёритилиши. Машхур санъатшунос, кўплаб рақс дарсликларининг муаллифи Любовь Авдеева ўзининг “Ўзбек миллий рақси тарихидан”(2001 йил) деб номланган китобида миллий эркаклар рақсининг пайдо бўлиш тарихи, анъанавий либослари ва Фарғона, Хоразм, Бухоро рақслари ҳақида жуда қизиқарли, лекин умумий тариф берган. Санъатшунослик илмий тадқиқот институти томонидан тайёрланган “Ўзбекистон санъати” тўпламида бугунги кунда эркакларнинг рақсига бўлган қизиқиш камлиги, шунингдек истеъдодли балетмейстер раққос Назриддин Шерматовнинг 1998 йилларидаги ижодий изланишлари ва 1999, 2000 йилларда у тузган йигит раққослар ансамбли ҳақида умумий маълумотлар берилган ва хулосалар қилинган. Бундан олдин Ўзбекистон халқ артисти Розия Каримованинг “Хоразм рақси”, “Бухоро рақси”, “Фарғона рақси” номли китобларида эркак классик рақсларнинг қўл оёқ ҳолатлар, “Андижон полькаси” рақсини ижро этиш таснифи, Бухорода ижро этиладиган эркаклар рақси этюдлари, хоразм рақс мактабининг барча асосий ҳолатлари, саломлари умуман ўзига хос рақсларни шакли кенгроқ ёритилган. Масалан хоразм раққослари томонидан ижро этиладиган “Жайрон шохи”, “Чўғирма”, “Узиб ташлаш”, “Чағалак балик тутиш”, “Пастбаланд” номли эркаклар ҳаракатларнинг тулиқ ижро этиш услублари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Шунингдек эркакларнинг “Сурнай лазги” номли рақси хусусиятлари ҳақида ҳам сўз юритилган.

Филология фанлари номзоди Шамиль Галиевнинг “Қозоғистон” газетасида нашр этилган “Эркаклар рақси муаммоси” деб номланган мақоласида рақс санъатини ўқитиш жараёнида йигитлар билан қизлар синфини ажратиш ва машғулотларни алоҳида олиб бориш зарурлиги ҳақида

таъкидланади. Ўзбек эркаклар рақси мактабини тиклаш, халқ орасида мавжуд бўлган ҳақиқий эркаклар рақсини касбий ва ҳаваскорлик саҳнасига олиб чиқиш учун фаол ҳаракат қилиш зарурлиги кунинг энг муҳим вазифалардан бири эканлигига урғу берилган. “Даракчи” газетасида 2008 йилнинг 28 август куни чиққан “Ражабали Назарзода илк ўзбек раққоси” деб номланган мақолада Ражабали Назарзоданинг эркаклар рақсига қўшган ҳиссаси, ижодий фаолияти ҳақида қисқа маълумот берилган. Табиийки бу турли манбалардан ўзбек эркак рақси ҳақида олинган маълумотлар илмий- оммабоп аҳамиятга эга, лекин ушбу ўзбек рақс турини бадиий услублари, янги шакллари ва ҳозирги ҳолати ҳақида тўлиқ тасурот бермайди. Шунинг учун ана шу хулосалардан келиб чиққан ҳолда ишни мақсад ва вазифалари қуйдагича белгиланади :

1. Шарқ ва Ғарб баъзи халқларининг миллий рақсларини умумий ўзига хосликларини ўрганиб уларни ўзига ўхшашликларини ва фарқларини кўрсатиш.

2. Шарқ ва Ғарб давлатларида эркак рақсини утмишдаги ва ҳозирги кун сурати ва сийрати чизгиларини кўрсатиш.

3. Марказий Осиё, Кавказ халқлари миллий эркак рақсларини ўзига хослигини, умумий хусусиятларини ва ўзбек эркак рақси билан таққослаган ҳолда уларни ўхшашликларини кўрсатиш.

4. Ўзбек эркак рақсини гносеология ва онтологиясини кўрсатиш. Бу рақс тури қачон пайдо бўлган, қайси даврларда қандай мазмун ва шаклга эга бўлган. Ҳозирги ҳолати ўтмишдаги ҳолати билан таққослаш, таҳлил ва тарғибот қилиш.

5. Ўзбек эркак рақсини жамиятдаги ўрнини кўрсатиш, халқаро миқёсда кўрик, фестиваллардаги аҳамиятини кўрсатиш.

6. Ўзбек эркак рақси санъатини ривожлантиришга ҳисса қўшган санъаткорларни ижодий фаолиятини ёритиш, уларни эркак рақсларини ижро этиш жараёнидаги бадиий услубларини аниқлаш .

7. Ўзбек эркак рақси санъати муаммоларини ечиш бўйича таклифлар бериш.

Диплом иш структураси: Кириш, I, II боблар, Хулоса ва Иловодан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ёритилиши ва ишни мақсадлари, вазифалари, янгиллиги, амалий аҳамияти ҳақида, хулоса мазмуни ва илова таркиби ҳақида сўз юритилади.

Ишни I боби «Ўзбек анъанавий эркаклар рақси тарихи ва ўзига хослиги» деб номланади. Бу бобда Шарқ ва Ғарб баъзи мамлакатларнинг эркак рақслари ҳақида илмий-оммабоп маълумотлар берилади. Ўзбек йигитлар рақси илдизлари, унинг асосчилари ҳақида сўз юритилади. Илгари ижро этилган ва шу кунга қадар сақланиб қолган рақслар ҳақида маълумот берилади. Аввал ижро этилган ўзбек эркаклар рақслари ҳақида сўз юритилади. II боб «Ўзбек эркак рақс санъатининг фидоийлари ва анъанавий услубларини замонавий талқинлари» деб номланади ва унда ўзбек эркаклар рақси ривожига хиссасини қушиб келаётган санъаткорлар ҳақида сўз юритилади. Ўзбекистон халқ артисти Қодир Муминов, Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Назриддин Шерматов ва бир неча рақс танловлари ғолиби Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Эркин Қаххоров ва баъзи эркак рақси ёш ижрочилари ҳақида сўз юритилади. Шу ўринда эркаклар рақсини жамиятдаги ўрни, халқаро кўрик танловларда қатнашганлигини ахамиятли томонлари кўрсатилади.

Хулосада тахлилий умумлаштиришлар ва таклифлар қилинади.

Илова фойдаланилган адабиётлар рўйхати, машхур раққосланнинг рангли фотосуратлари, тақризлар ксерокопиялари; санъатшунослар ва рақс бўйича мутахассислар билан бўлган суҳбатлар матни ва бошқа хужжатлардан иборат.

I боб

«Ўзбек анъанавий эркаклар рақси тарихи  
ва ўзига хослиги»



Рақсга жон багишлайдиган мусиқа - кўзга кўринмайдиган кўнгилда жонланадиган сиймолар камалагидир. Тана ҳаракатларида жонланган ритм-бу ўзбек рақс сурати.

Америкалик олимларнинг тадқиқотларига қараганда рақс ижро этганимизда, инсон миёсида маълум бир ўзгаришлар содир бўлар экан. Натижада айнан шу пайтда инсон организмнинг барча қисмлари ишга тушиб кичкина ва катта миёчалар кўмагида чап ярим шарлиги нутқнинг ривожланишига кўмак берар экан. Кўрсаткичлар бўйича, бизнинг аجدодларимиз ҳаракатлар ёрдамида овоз чиқармай гапириш қобилитини шакллантирганлар. Бундан ташқари кўпчилик халқларнинг анъаналарини ўрганган олимлар рақс ижро этган раққосда турли хил предметлар (масалан, канстанеталар, чёткалар) ёрдамида ҳам ижро амалга оширилганлиги такидланади. Бундай фаолият албатта ўз ўзидан овоз чиқариш функциясини бажарган. Шунинг учун ҳулоса қилиш мумкинки рақс орқали одамлар илк бора бир бирлари билан сўзлаша олганлар. Маълумотларга қараганда бу тил пайдо бўлишининг илк шакли ҳисобланади.

Шу билан бирга мутахассисларнинг такидлашича маълум бир рақсни ўргатишдан аввал ҳаёлда барча ҳаракатларни кўз олдимишга келтиришимиз лозим экан. Образ қанчалик тўғри уйланган бўлса, рақсни ўзлаштириш шунчалик осон бўлган. Рақс - санъат тури. Бунда раққоснинг гармоник тана ҳаракати ва ҳолатлари, пластик ифодавийлиги ва юз имо- ишоралари (мимика) ритм, темп, композиция, образ яратишга хизмат қилади. Инсонинг меҳнат жараёни ва борлиқдан олган эмоционал тассуротлари рақс билан боғлиқ бўлган ҳолда юзага келган. Эркаклар рақси асрлар давомида такомиллашиб, барқарор шаклларга эга бўлиб борган.

### “Жахон эркак рақслари”

Барча давлатлар ўзининг миллий эркак рақсларига эга. Масалан бошқирларни эркак рақси завқли эркин ижро этилади. Рақслар одатда

умумхалқ байрамларида, эркаклар жанглари ўйинларида, от пойгаларида, найзадан отиш мусобақаларида ижро этилади. Айтиш жойизки, ҳар бир раққос ўзининг шахсий ижро этиш махорати билан ажралиб турибгина қолмай, у доим хиром айлаган рақсига янгилик қўшиб келган. Масалан “Байық” рақсини ижро этиш турлари талайгина- "Байытс" (эркаклар исми), "Урман Байытк"(Ўрмон Байики), "Ушан Байык", "Карт Байык", (Қари Байик). Ушбу рақсларни ёши каттароқ раққослар ижро этиб келган "Байытк" рақси турларини образлари орқали халқнинг тарихи, жанглари, турмуш тарзи ва афсоналари гавдаланган.

Озарбайдонда эса эркак рақслари ўзининг оёқ ҳаракатлари техникаси билан ажралиб туради. «Сэмэни», «Коса-коса», «Году-году» номли рақслар оммавий рақслар деб ҳисобланади.

Жаҳон рақс санъати намоёндолари ичида Қозоғистон анъанавий рақслари алоҳида ўрин эгаллайди. Уларнинг эркак рақслари тарикибида оммавий халқ ўйинлари, от пойгалари билан боғлиқ ҳаракатлар кўзга ташланади. Масалан “Киз-Жибек” номли операда раққос йигитлар от пойгаларида найзадан отиш машқларини рақс ҳаракатлари орқали ифодалядилар. Қозоғистон санъат арбоби режиссёр А. Исмаилова “Утис би” номли операда от пойгаларида ижро этиладиган рус фольклор-этнографик ўзига хосликларига ва ҳаракатларга бой эркаклар рақсини ранг-баранг сурати ва сийратини кўрсатган эди. Шунингдек “Қусбеги Дабилпас” - лочинли овчи ва барабанчи номли рақс пастановкаси ҳам шулар жумласидандир. Қозоғистон эркак рақси жушқин, жанговор характерга эга булиб, унда найза ва қамчи билан боғлиқ ҳаракатлар қўлланилади.

Ўрта асрларда Грузиянинг оммавий байрамларида нафақат жанговор ҳаракатлар, спорт ўйинлари, балки грузия халқининг севимли санъат турларидан бири бўлмиш рақс ҳам ижро этилган. Грузия эркак рақсларида кучли, жанговор қўл ҳаракатлари мавжуд. Айнан қўл ҳаракатлари орқали грузин жангчилари ўз ғурурлари, кучларини ижро этилган рақслари орқали намоён этганлар. Лекин эслатиб ўтиш лозимки рақсдаги оёқ ҳаракатлари

асосий ўринга эга. Улар пластикага бой ҳаракатлар бўлиб, тез ижро этилади. “Чодмила”, “Пехшилили”, “Цививкневи” каби оёқ ҳаракатлари грузин раққослари томонидан кўплаб рақсларда гавдалантирилади.

“Мхедрули” рақси фақат эрақлар томинидан ижро этилади. У “От жангчиси” маъносини англатади. Бу рақсни бир раққос ёки рақс гуруҳи ижросида куриш мумкин.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида топилган қоя тош тасвирлари археологик топилмалар бу ерда рақс санъатининг қадимийлиги, шакл ва турларининг бойлигидан далолат беради. Аждодларимиз асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширган. Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто” давридаёқ рақс санъати шакилланганлиги ҳақида манбалар мавжуд. Рақс усталари Буюк ипак йўлларидаги Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари ва бошқа ҳудудлар бўйлаб Румга, Мисрга, Фарб ўлкаларигача: Шарқда Хитой, Корея ва ҳатто Япониягача бориб, ўз санъатларини намойиш этганлар. Рақс санъати, айниқса Амир Темур ва Темурийлар салтанатида раванқ топган. 15 асрнинг 2- ярмида ва 16 аср бошида Сайид бадр, Тоҳир чакка, Моҳчучук, Мақсудали, Катта моҳ, Кичик Моҳ лақабли раққослар шуҳрат қозонган. Бу даврда ҳалқ рақси юқори малакали рақс анъаналари, услуби асосида ривожланган. Шарқ халқларида, хусусан Марказий Осиё ҳудудида рақс санъатининг жуда қадимийлигидан дарак берувчи қоя тошларига уйилган расмлар, лаган ва кўзалардаги тасвирлар, миллодан олдинги 3 асрга мансуб Тупроққаълардаги рақсга тушувчи “Ниқоблар зали” ва оловлардаги кичик хайкалча ва бошқа топилдиқлардан Ислом динигача рақс санъатининг анча ривожланганини билиш мумкин.

Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиги вужудга келгач, рақс санъатида ҳам ўзига хос услублар майдонга келади. Бу даврда жаҳолат, мутассиблик кучайгани сабабали рақс санъатида ўсмир болалар ва йигитлар етакчилик қилган.

Ўзбек халқ рақси ҳаётдаги турли воқеаларни ҳаракатлар орқали акс эттириб, ифодаловчи санъат турларидан бири бўлиб қолди. Бундан ташқари рақс инсонларнинг ички дунёсини акс эттирувчи воситадир. Халқ рақслари қуйдагиларга бўлинади:

1 Фарғона, Хоразм, Бухоро маҳаллий ижодий мактаблари.

2 “Катта ва кичик” уйинларни яратувчи асосий ижро усули.

Шу тариқа ўзбек халқ лирик эркаклар рақсида учта жанр бор: мардонавор- қаҳрамонлик жанри, лирик драматик жанр ва юмористик-комик жанр. Халқ орасида барча рақс ижрочилиги “Тойбози”- оёқ ўйини ва “Қўлбози”- қўл ўйини каби икки турга бўлинган. Бу рақслар Марғилон, Фарғона, Бухоро, қисман Қўқон маданий марказларининг шаҳар рақсларига караганда, Қўқон эркаклар рақслари анча жушқин, очик, ҳар бир рақс якунида қўл ва елка ҳаракатлари анча кескин бўлади. “Андижон полкаси” деб ном олган андижонча йигитлар ўйини бутун Фарғона водийси бўйлаб тарқалган. Фарғона хореографияси усталари бўлмиш Юсуф қизиқ ва уста Олим Комилов “Андижон самоси” йигитлар ўйини қадимдан шу вилоятда ўзбеклар ва тожиклар билан ҳамжихатликда яшаб келаган уйғур рақслари жўшқинлиги билан суғорилган деб ҳисоблашади.

Қадимий рақс санъатининг энг қадимий турларидан бири бўлиб, уни тасвирий санъат, театр санъатини ундирган илдиз дейиш ҳам мумкин, мусиқа эса рақс билан бирга яшайди. Раққослар сурати ва сийрати ўзи гўё уч санъатни бадиий ифода қилади: мусиқани садолари остида гўё тасвирий санъат намунаси жонланади. Археологик, театршунослик ва санъатшунослик тадқиқотларга кўра кишини ҳайратга соладиган маълумотлар мавжуд. Масалан, “Катта уйин” деб номланган хореографик туркум –“эротик рақс” деб аталган. Бундай хулоса қайси манбадан олинганлиги кўрсатилмаган. Бу хулосавий фикрга биноан икки қадимий анъанавий созандалар табиатдаги ҳаётни давом эттирувчи кучларга бағишланганлиги ва шунинг учун “Анор байрами” деб номланиши ва бундан ташқари “хуфия базимлар”да иштирок этганликлари тўғрисида берган маълумотлар асос бўлган бўлиши мумкин.

Бундай тўдаларни яширин маросимларида гулчамбарлар билан ясанган ўн икки жуфт яланғоч эркак ва аёллар қатнашган. Улар ғамгин, чўзик кўшиқларни айтишган ва ўн иккита турган хонтахтага қўйилган косаларга анор сувини сиқишган. Сўнгра иштирокчилар анор сувини ичиб, “Катта ўйин” куйларини жўрлигида давра рақсига тушишган. Созандалар кўзларини боғлаб олиб номаълум уйга киришган. Манбаларга бинон, созандалар эсларига нима тушса шуни чалаверишаркан. Бундай хулосалар таъсирида бир гуруҳ жамоа вакиллари кайф-сафо истаб қолса, ҳар қандай мусиқа ҳам бу вазиятда эротик ахамиятга эга бўлиб қолган. Тасвирий – ифодавий ва тақлидий халқ рақсларига келсак бу рақслар ҳайвонот оламини акс эттиради ва уларни фақат эркаклар ижро этган. Жуда кам истесно ҳолларда бу рақсларни аёллар ҳам ижро этиши мумкин бўлган. Жорий ҳаётдан олинган тана ҳаракатларни умумлаштириш халқ рақслари усули ва профессионал рақс бадийи услуби ўртасида принципиал фарқ бўлмаганлиги учун ушбу тадқиқотларнинг бошланиши халқ рақсларидан жой олган ҳайвонот оламининг вакиллари ҳақидаги маълумотларни яратишдан, таҳлил этишдан иборат бўлган. Хоразм халқ рақсларида ажойиб, кам учрайдиган сиймолар мавжуд. Улар таркибида – кўрқоқ қуёнлар, (“сал нарсага” ғужанак бўлиб чўчиб тушадиган), титроқ қумпишаклар (олд оёқчалари ҳамон кўтарилган сахро мушуги), хавфли йиртқич, қамишзор мушуги ( гўёки у уй мушугидай ҳаракатлар қилади), урушқоқ хўрозлар (хўроз ўйини жараёнида раққослар чўкка тушиб ўтирган ҳолда, бошларини чапга – ўнга силтаб хўрозларни ҳаракатларини тақлид қиладилар). Кеккайган тустовуқ ( уйин пайтида “тустовуқ” бирданига учгандай бўлиб қўл - қанотлари билан биқинга шапиллатиб уради), ўжар такалар ( уйида икки тана тор йўлида тўқнашиб қолиб, бир – бирига йўл бермаслигини раққослар пешоналарни бир – бирига тираб, ер тепиниб, оёқлари билан ярим айлана ҳаракатлар қиладилар).Баъзида раққослар ёғ босган ва семириб кетган қўйларни у ёнбошга, бу ёнбошга ағанаб кетганини ифодалаганлар.

Хоразмда қадим – қадимдан кенг тарқалган рақслардан бири “Чорлоқ” бўлган. Томошабинлар даврасининг марказига чоғирма деб аталадиган бош кийими ташланади, кейин раққослардан бири ўртага сакраб чиқиб, гавдасини қоқ белидан олдинга қараб эгиб, тиззаларини ҳам сал буккан холда, кўлларини орқага чўзиб, ўзига хос хоразмча юришни бошлайди: оёқларни баланд кўтариб қадам босади ва кўл панжаларини ёзганча титраб боради. Чорлоқнинг мақсади- балиқ ролидаги қалпоқни тумшуғи билан илиб олиш. Шунинг учун ов харакатлари орасида раққос бирдан қаддини ростлаб, кўлларини олдинга узатиб, билагидан чалиштириб, балиқнинг думига ўхшатади. Кейин яна чорлоққа айланади. Бирдан кутилмаганда раққос тиз чўкиб, энгашиб, қалпоқни тишлари билан тутиб олади, яъни шартли-мажозий Амударё сувларидан балиқ тутиб олгандек бўлади. Бу ўйин шўхчан, жонли, кувноқ бўлиб, бир раққоснинг ўрнига иккинчиси, кейин учинчиси уйинни давом эттириб кетаверади ва шундай қилиб анча узоқ, то “жонга тегмагунча” давом этади.

Айтишларича, Бойсун тоғлари этакларидаги қишлоқларда “Тоғ қоплони” рақси бўлган экан: унда раққос гўё “сакрашга тайёрланиб” тиззада ўтирган ҳолатда бутун мускулларини “йиғиштириб”, кейин бирданига олдинга сакрайди. Ҳозирги кунда бу рақслар унутилиб ижро этилмайди.

Ўзбек хореографиясининг энг кекса устаси Юсуфжон қизиқ бошқа усуллар ҳақида қайд этишича: “Катта ўйин” Искандар (Александр Македонский) давридаёқ мавжуд бўлиб, у пайтларда катта уйин 280 усулни ўз таркибига олган. “ Яқин - яқинларда, юз йил аввал” – Катта ўйин муайян мазмунга эга бўлган...”<sup>3</sup>. Ўзбек хореографик меросининг билимдони бўлган шоир Хислат “Катта ўйин” ни “ҳеч нарсани ўзартириб бўлмайдиган, ҳеч нарсани қўшиб ёки олиб бўламайдиган ” ягона асар сифатида тарифлайди. 19 асрнинг иккинчи ярмида рақс санъати усталарининг берган маълумотларига қараганда, “Катта ўйин”ни таниқли раққослар ижро этишган. “Катта ўйин”нинг ҳар бир усулини ижро этиш учун муайян рангдаги либослар

---

<sup>3</sup> Любовь Авдеева- “Ўзбек миллий рақс и тарихидан”. Тошкент 2001 йил.

бўлиб, рақс майдони яқинида раққослар кийимини тез ўзгартириб олишга имкон бўлиши учун ёрдамчилар либос кўтариб турар эди ”<sup>3</sup> - дейди рақс устаси Милло Шобарат. Тарихий рақсларга келсак “Қарғалар” - андижонча эркаклар оммавий рақси бўлиб, ҳозирги кунда у ҳазил маънога эга. Бир кўча ёки бир маҳалла йигитлари қатор кетма - кет бўлиб туриб оладилар, чакмоннинг этагининг бир учини қайриб, белбоқларига қистирадилар, кейин бир- бирларининг тирсақларидан тутиб, товонлари кўтарилган ҳолда чўккалаб оладилар.

Кўча бўйида тўпланган томошабинлар қўшиқ айтиб, қарсақ чала бошлайдилар. Уларнинг қўшиқлари муайян инсонларнинг танқидига лойиқ қилиқлари устидан кулувчи машҳур лапарлардан иборат бўлади. Шу ернинг ўзидаёқ янги лапарлар учун сюжетлар ҳам туғилаверарди ва лапар айтувчилар шу заҳоти уларни илиб олиб янги- янги лапарлар яратадилар. Раққослар илон изини ифодалаган ҳолда майда, бир йирик қадам ташлаб, занжирини узмай ҳаракат қилардилар. Афсоналарда айтилишича, “Қарғалар” лапарлари жуда заҳархандали оҳангда бўлиб, кўп мисралари лапар қахрамонларига рамзий тамға бўлиб қолган. Раққослар ҳам, қўшиқчи ва томошабинлар ҳам, агар томоша пайтида ҳокимият вакиллари томонидан кўлга тушгандек бўлса, қаттиқ жазоланган ва ҳатто қатл қилинган! “Қарғалар” эса оғиздан-оғизга ўтиб- ўтиб яшаб келаверган. Косон даштларида 20 аснинг 20-йилларида эркаклар қип-қизил, қавилган чопонлар ва қип-қизил, баланд пошналар этиклар кийиб “Чавандоз” рақсини ижро этганлар. “Чавандоз” оммавий рақс эмас, балки оммалашган рақс бўлиб, уни кўпчилик бир бўлиб ижро этган ва ҳар бир ижрочи ўзининг хоҳиш –истаги, кучини, эпчиллигини намойиш қилган. Бу рақс жангга киришдан аввал ижро этилган. Эркаклар кийимига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Маҳаллий миллат эркакларининг кийимлари ўзига хослиги билан ажралиб турган. Кийимлар минтақаларга қараб фарқланган ва хусусиятлари матосининг ранги ва қандай кийилиши билан белгиланган. Эркаклар миллий кийими таркибида: ички(ичдан кийиладиган) ва устки кийимлар мавжуд бўлган. Қадим

замонларда эркаклар кўйлаги, асосан, бир хил тусдаги оқ матодан тикилиб, бу мато косиб дастгоҳида тўқилган. Кўйлақлар бичимига кўра узун бўлиб, эни бузилмаган бир бўлак матони ярмидан бир-бирига улаб, узунасига тикилиб, ён қисми эса этагига кенгайиб борган. Эркаклар кўйлаги узун, тиззадан пастга, кейинроқ эса икки хил андозага биноан бичилган. Фарғона водийсида узун, тик йирмоч - қийиқ кесилган майда учлари кенг қилиб тикилган бўлиб бошқа хил бичимдаги кўйлақларда йирмоч ётиқ, у этакдан бу этакгача олинган. Фарғона водийси ва Тошкентда бу каби кўйлақларни “муллавачча кўйлақлар” деб аташган. Баъзан ёқанинг четларига жияк ҳам тикилган. Нафақат Тошкент ва Фарғона водийси ўзбеклари, балки Зарафшон, Қашқадарё, Сурхандарё, Бухоро ва Хоразм ўзбеклари ҳам кўпроқ, ёқаси ётиқ кўйлақларни кийишган. Хоразм эркаклари бошларига чўғирма кийганлар. Қишда кўй терисидан тикилган “ санг- санги” пустин кийганлар. Бу Хоразмнинг қахратон совуғидан ҳимояловчи асосий иссиқ кийим ҳисобланган. Фарғона водийси эркаклари оппоқ ёки сарғишроқ бўздан тикилган, олди очиқ кўйлақ (яхтак) кийганлар. Фарғонада яхтак устидан белбоғ боғланса, Хоразм, Бухоро ва Жанубий худудларда белга узун қўшок боғланар эди. Фарғона водийси, Тошкент ва унинг атрофидаги қишлоқларда эркаклар совуқ ранглар: мовий, тўқ мовий, кўк ранглардаги кийимларни унчалик кийишмаган бўлсада, бу ранглар мотам либоси ҳисобланган ва ҳозирда ҳам ўз жозибасини йўқотмаган. Бухоронинг сап- сарик, тўқ сарик, қизил, тўқ қизил ва оч яшил рангли ип матолари ўзига хос ва чиройли бўлган. Йирик гулли матолар устидан ўша рангда нозик чизиқлар тортилган.

Фарғона ёшлар рақси – фарғона услубида 1956 йилда сахналаштирилган йигит- қизлар рақси. Ушбу рақс илк мартаба Масквада бўлиб ўтган фестивалда ижро этилиб, энг яхши рақс наминациясида ғолибликни 12 нафар ижроси кўлган эди. Рақс ижрочиланинг сони бта қиз ва 6 ўғилни ташкил қилиши зарур. Рақс ижро этиш жараёнида айланма, диоганал ёки тўғри ҳаракатлар мавжуд. Рақс қувноқ, меҳнатсевар характериға эға, “Ёшларға” мўлжалланганлигини яққол сезиш мумкин.



Лаган – Эркаклар рақсларини яккахон рақсларига келсак, Ўзбекистонда энг танилганларидан бири “Лаган” рақсидир. Ушбу эркаклар рақси Фарғона услубида яратилган. Рақс халқмизнинг машҳур доира, ноғора, сурнай, карнай жўрлигида ижро этилади. Сахна кўринишининг усуллари халқдан келиб чиққан. Рақс Ўзбекистон Давлат “Шодлик” ашула ва рақс ансамбилининг яккахон раққосларидан бири Назриддин Шерматов томонидан ижро этилган эди. Пастановканинг характери ўйинқироқ. Унда раққос лаганни қўлларида ушлаб, бир маромда қайроқдан овоз чиқариб ижро этади. Унинг либосига келсак, қора рангдаги тўрт бурчакли гаримдори оқ гулли дўппида бўлади. Дўппи тушиб кетмаслиги учун унга ингичка резина уланади. “Яктак” миллий узбек кийими бўлиб, унинг енги узун бўлишига қарамасдан рақс ижро этилганда қайрилган ҳолда бўлади. “Белбоғ” махсус тўрт бурчакли рўмол бўлиб, учбурчак ҳолда букланади ва белга боғланади. Сўнг қора шим ва қора лакланган этик кийилади. Рақс ижро этиш жароёнида бошқа керак булган асбобларга келсак, раққосга “Қайроқи” яъни (канстанъетарлага) ўхшаш асбоб керак бўлади. Шунингдек иккита лаган биттаси темирдан 16 см узунликда бўлиши керак, иккинчиси эса тошдан бўлиб 10 см бўлади. Тошдан ясалган лаган катта бармоқ кўмагида қўл кафтига босилади. Темирдан ясалган лаган ҳам худди шундай қўйилиб қўлнинг учинчи ва тўртинчи бармоқлари кўмагида бажарилади. Лаганни енгил урган ҳолда раққос ўзига хос овозга эга бўлган усуллар яратади. Айтиш жойизки лаганлар иккита қўлда ҳам ушланади.

Ушбу рақс ҳаракатларининг комбинациялари асосан Фарғона услубларидан, “Лаган” рақсининг ижрочисининг қўл ҳаракатлари бошқа рақлардан олинган тирсақларнинг текислиги билан ажралиб туради.

“Чабаны” – рақси 1965 йилда Қорақолпоғистонда ижро этилган. Эслатиб ўтаман қорақалпоқ халқи азал-азалдан чорвачилик билан шуғулангани сабабли “Чабаны” рақсида бу ўз аксини топган. Унда шу соҳа билан шугулланаётган одамларнинг меҳнати ва характери рақс ҳаракатлари орқали яққол намоён бўлади. Рақсда еттита раққос йигитлар катнашади.

Баъзи ҳоллада бештагача бўлиши ҳам мумкин. Рақс 2та тактдан иборат бўлади. Биринчи қисмида пантамимали сахна кўриниши бўлиб, унда Чўпон найда чалиб тўдани уйғотади. Шунда бирданига тўдага қашқир ташланади, Чўпон тўдани кутқариш мақсадида қашқирни ўлдиради. Иккинчи қисмда чўпонлар қашқирлардан тўдасини сақлаб қолгани туфайли хурсандчилиглари рақслари орқали ифодалайдилар.

Раққосларнинг либосларига келсак, оқ рангли тизадан сал баландроқ кўлак кийилади. Сунг кора рангли узунлиги куйлақдан сал калтароқ нимча кийилади. Шим жигаррангда бўлади. Раққосда шунингдек ингичка қизил йўл-йўл тиздан сал пастроқ халатни кийганини ҳам кузатиш мумкин. Бошга эса қалпоқ кийилади. Оёқларда эса юмшоқ этиклар бўлади. Рақснинг барча иштирокчиларининг кўлларида таёк, шунингдек биринчи чўпонда таёкдан ташқари най ҳам булади.

“Балиқчилар”- қорақолпоқларнинг анъанавий рақси 1957 йилда сахналаштирилган. Хўжайла туманида колхозчи Отажонов рақс асосчисига қадимги халқ “Шагала” номли пантамимасини кўрсатади. Беозор халқ пантамимаси ўзининг образга бойлиги, ҳаракатлари узига хос кўринишлари билан ижодкорни ўзига ром этади. Рақснинг асосий элементи чағалакнинг сувдан балиқни тутиши билан рақсда гавдаланади. Лекин рақс композицияси тўлик намойиш этиш учун бир ҳаракатнинг ўзи камлик қилади. Шунда ижодкор балиқчиларга мурожаат қилиб уларнинг меҳнат жараёнини, характерини ўрганиб чиқади. Сўнг уларнинг меҳнати осон эмаслигини, табиатнинг турли хил тўсқинликлари мавжудлигини ижодкор тушунади. Менимча бундай ҳолат уларда хазилкашлик хислатини уйғотади. Рақсда Оролнинг хурсанд меҳнаткаш “Балиқчилар”нинг ҳаракатлари гавдаланади. Рақс уч қисмдан иборат бўлиб улар “ Балиқчилар қўшиғи”, “Чимбай-намасы”, “Шагала- намасы” кабилардир. Раққосларни либосларига келсак бунда оқ рангли куйлақ четлари қизил тасма билан тикилган бўлади. Қора сатин матосидан тикилган камзўл ва тўқ рангли шим кийилади. Бошга эса

сабзи рангли кушоқ кийилади. Этиклар эса қора рангда бўлади. Рақсни ўн бештага яқин раққос йигитлар ижро этади.

“Ай- кулаш”- Оммавий қорақолпоқ рақси 1959 йилда яратилган ва қорақолпоқ ўйини асосида сахналаштирилган. Ой тўлганида рақсга уғил - кизлар ўйнайдилар ва уйиннинг асосий маъноси кўшни ва овуларнинг ўғил- кизлари орасида хазил кўшиқ танловлари ўтказилади. Ўйинда ким ютқизса кейинги уйинда ўз овулининг бекларига айланадилар.

Рақсдаги эркаклар либоси оқ матодан тикилган кўйлак, унинг енглирида ва ёқасида нақшлар урилган бўлади. Сўнг кўк қалин матондан тикилган ўрта узунликдаги камзўл кийилади. Шим тўқ кўк рангда бўлиб этикни ичига киргизилади. Оёқга қора этик ва бошга қоракўл телпаги кийилади. Бу бобда келтирилган эркаклар рақслари ҳақидаги маълумотлар, уларни таърифланган ўзига хосликлари баъзи халқларни, аждодларимизни санъатга бўлган эҳтиёжини тўлиқ бўлмасида кўз олдимизга келтиришга ёрдам беради. Лекин таасуротларимиз янада аниқроқ бўлиши учун биз эркаклар рақси фидоийлари ва уларни бадий услублари ҳақида сўз юритишимиз керак. Бу ишларни ишни II бобда амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

## II боб

“Ўзбек эркак рақс санъатининг фидоийлари ва анъанавий услубларни замонавий талқинлари”

“Бу дунёда одам зоти бор экан, ҳеч шубҳасиз, у ўз аждодларининг олис кечмиши, турмуш тарзи, урф-одатлари, уларнинг қандай ҳис- туйғулар билан яшганига қизиқиши, бу ҳақда тасаввурга эга бўлишга интилиши табиий, албатта”<sup>4</sup>.

Қадимий ўзбек санъати тарихида мақом рақси ижрочилари узок муаддат давомида рақс шакиллари тўплаш, саралаш ва сайқал бериш билан шуғулланган, шакллари тизимлаштирган кишиларнинг номи

---

<sup>4</sup> Президент Ислоҳ Каримовнинг “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи. “Халқ сўзи” 2001 йил, 6 ноябрь №226(2788), 1бет

сақланиб қолмаган. Бироқ, бизга ушбу бебаҳо меросни ўзларидан олдинги авлодлардан қабул қилиб, уни ўнлаб йиллар ва асрлар мобайнида кўз қорачиғидек сақлаб келган купгина ижрочиларнинг номлари маълум. Машхур усталар, анъанавий рақс ижрочилари Юсуфжон Қизик, Ахмаджон Умурзоқов, Ака Бухор, Бақожон Сайдуллаев, Тамарахоним ва бошқалар 19 аср охири -20 аср бошларида яшаб ўтган ўнлаб таниқли рақс усталарининг номларини айтишган. Бироқ, биринчи манбалардан олинган ушбу маълумотлар ҳам афсонавий тусга эга.

Рақс санъати, унинг ахамиятини тушунган, рақс усталарини ҳурмат қилган халқнинг санъатга муносабатидан афсоналар далолат беради. Бундай ривоятлар рақсни ижро этиш усуллари, машхур раққолсларнинг кийимлари тўғрисида маълумот беради.

Ўзбек рақс санъатининг биринчи тадқиқотчиси И.Г.Бахта 19 аср охири – 20 бошларидаги рақс санъати тўғрисида муайян миқдордаги маълумотларни шоир Хислатдан олган. Шоир Тошкент ва Фарғона водийси машхур раққослари тўғрисидаги маълумотларни махсус тўплаган. 30- йилларда иш бошлаган Бахтанинг ўзи Фарғона ва Тошкентни қадимги раққосларнинг биографияси ва рақс усуллари тўғрисида маълумот тўплаган.

1953- йилдан бошлаб мазкур асар муаллифи 20 аср бошлари ва 20 йиллирида Фарғона водийси, Хоразм ва Бухорода фаолият бошлаган таниқли раққослар билан учрашиб мулоқот қилган.

Ўзбек эркаклар рақсини намоёндоларига келсак 19 аср охири 20 бошларида Мақайлик лақабли машхур раққос бўлган. Айтишларича, 60- йилларда унинг машхурлиги ўта даражада бўлган эканки, шаҳар ва туманлардаги маҳалла- кўронлар раққосни халқ байрамларига таклиф этиш ҳуқуқини олиш учун ўзаро муштлашишгача боришган экан. Унинг шухрати орадан кўп йиллар ўтиб ҳам сўнмаган. 80 – йилларда “Мақайлик”нинг санъатини томоша қилиш учун улуг ўзбек демократ шоири Муқимий ҳам раққос иштирокидаги йиғинларга келар экан. Шоир кўқонлик раққоснинг санъатига шеърлар ҳам ёзган.

Бир неча ўнлаб йиллар давомида “Мақайлик”, у билан бирга таниқли муסיқачилар Рўзибой ноғорачи ва Шодмон доирачилар билан ишлаган. Ушбу факт жуда ҳам муҳим, чунки рақс санъати билимдонларининг айтишича, “Мақайлик” ўзининг хореографик композицияларига ўзи муסיқа басталаган, уларни “Катта ўйин” усули, ритмик композицияларга мослаштирган. У томошанинг рақс қисмларига рефрен сифатида кирган кўшиқлар учун шеърлар ҳам тўқиган. У ҳам бир дастурга ўз шеърларидан ташқари Муқимий шеърларини киритган.

Мақайлик “Катта ўйин” усулида рақслар ижро этган. Чунки унинг томошалари умумхалқ байрамларида, кенг шаҳар майдонларида ёки шаҳарлардан ташқаридаги далаларда ўтган. Унинг “лирик” қаҳрамони иродали, мағрур, журъатли, фаол бўлган, яъни у персонажни эмас Қаҳрамонни ифодалаган. Мақайликнинг рақс техникаси юксак маҳоратлиги аниқлиги, рақс воситаларини танлашдаги нозик диди аниқлиги билан ажралиб туради.

Айтишларича Мақайликни сарой аъёмлари ва Кўқон хонлари ёқтирмаганлар, чунки у хонлар саройида томошалар кўрсатишни бутунлай рад этган. Ҳар сафар, “сарой” билан навбатдаги можародан сўнг Мақайлик қадирдон қишлоғига бош олиб кетар ва халқ уни у ердан қўлга кўтариб олиб юрар эди.

Хоразмлик раққос Карим Оллаберганов ҳам истеъдодли раққослар қаторидан жой олган. Манбаларга асосан у қайроқларни мохирона чалиш ритмик композициялар яратилишига олиб келиб, томошабинлар ва созандалар ортидан эргашарди. “Тошларнинг жаранглаши гоҳ шивирлайди, гоҳида тош кўчкисидай гумбурлайди, асабийлашади, даъват қилади, дўк уради, кейин яна секинлашиб, жазирама пешин пайтида улкан ёнғоқ тагидан оқиб ўтган ариқ сувдек жилдирайди... Ҳеч бир ритмик фраза, ҳеч бир аккорд бўшлиққа сингиб, йўқолиб кетмайди раққоснинг оҳангга ритмик каприччио сингари мос келибгина қолмайди йўқ! Қўллар, елканнинг ҳар бир ҳаракати, тана юқори қисмининг ритмик титрашлари, ҳар қандай ҳаракати ҳаммаси

бир бўлиб ягона сахна образини (сиймосини) яратади. Қайроқлар товуши ва пластика эҳтирос деб аташ мумкин бўлган руҳий ҳолатини ифода этувчи ягона образни ташкил этади.”<sup>5</sup>.

Айтишларича Карим Оллаберганов рақс пайтида қўллари, тана юқори қисмининг барча мушаклари, оёқлари фаол ҳаракатланаётган пайтда танасини ҳаракатсиз тутиб туришни билган. Бирдан тўхтаб қолгандан сўнг: Қайроқ икки марта шаққилгандан кейин раққос секин –аста тиззаларини букиб ўтира бошлайди. Тиззалар тахминан 70 градусли бурчак ҳосил қилади, товонлар ўртасида бироз жой қолади, артист қанчалик пастроққа чўкса, товонлар шунчалик баландроқ кўтарилади. Қўллар ҳам икки томондан юқорига кўтарилиб боради, биттаси кўкрак олдида тўхтаса, иккинчиси юқорига кўтарилиб кетади, жарангдор ритмлар эса двом этаверади. Елкалар гоҳ юмшоққина, эринибгина титраб қўяди, кучга тўлиб – тошади. Тана эса икки томонга тебраниб туради. Шу ўтиришда, яъни чуқур “плие” ҳолатида қайроқ бир неча марта қарсиллайди, кейин секин аста кўтарилиш бошланади, тана ва қўллар эса рақсдан бўшамайди <sup>5</sup>. Карим Оллаберганов ана шундай мохир раққос бўлган.

Ота - боболари ҳам созанда бўлиб ўтган, қайроқ рақсининг мохир ижрочиси бухоролик Саъдулла Саъдуллаев ўзбек эркаклар рақс санъатида ўзига хос ўринга эга.

Манбаларга биноан у қайроқ билан мураккаб ритмларни чалиб, ҳаракатларни тактга туширган ҳолда, рақсни мос келтириб ижро этган. С.Саъдуллаевнинг Катта ўйинини ижро этиш услуби куч – ғайратга тўлалиги, юмори ва шўхчанлиги билан кишиларни завқлантирган.

Айтишларича у “занглар” билан ижро этадиган Кичик ўйинни ҳам заргарларга хос моҳирлик билан ўйнар эди. Қўллари ва оёқлари гўё ҳаракатлар орқали ўзаро мусобақалашгандек, яъни қўллари ҳаракат қилганда оёқлари статик ҳолатда, оёқлари ҳаракат қилганда эса қўллари статик ҳолатда бўларди.

---

<sup>5</sup> *Любовь Авдеева- “Ўзбек миллий рақс и тарихидан”. Тошкент 2001 йил*

Шундай “мусобақа” пайтларида статик ҳолатда турган кўл ёки оёқ шунчалик ҳаракатсиз бўлардики, уларга тақилган бирорта ҳам “занг”дан тик этмаган товуш чиқмасди.

Ўзбек эркаклар рақс санъати дунёга машҳур эканлиги сизу бизга сир эмас. Ўзбек рақсининг ўзига хослиги, жозибадор ҳаракатлари бошқа миллат вакиллари ҳам мафтун эта олган. Ушбу ўзбек санъати тури тарихида машҳур раққосларнинг ҳам борлиги маълум. 19 аср охири, 20 аср бошларида аёлларнинг сахнада рақс ижро этиши бирмунча қийин бўлган вазият эди. Ана шундай лаҳзаларда эркаклар аёл либосини кийиб, рақсга тушишган. Уларнинг рақсларидан халқ завқланган. Шундай раққослардан бири халқ кўнглига йўл топа олган, ўз даврининг машҳур раққоси сифатида тан олинган ижодкор Ражабали Назарзодадир...

Энциклопедия маълумотларга кўра Ражабали Назарзода ўн уч ёшга тўлганида мусиқа мактабига юборилади. Бу билим даргоҳида у най чалишни ва рақсга тушишни ўрганади. 1925 йили Бухорога ташриф буюрган Тамарахоним ўсмир йигитлар рақсини кўриб, қарсақ чалиб юборади. Ўзи ҳам Ражабалига бир неча рақсларни ўргатади ва клубга ишга киришига кўмаклашди. 1926 йилда Ражабали Назарзода Ал Ардобус исмли ижодкор билан танишиб қолади ва унинг театрида бир йил давомида фаолият юритади. 1927 йилда эса Бухоро цирки уни ишга таклиф қилади. 1929 йили Ал Ардобуснинг студияси иш бошлайди. Назарзода ҳам ана шу студияда таълим олиш билан бирга раққос сифатида иш юритади.

Ражабали Назарзода ижодкор сифатида бир жойда ишламас эди. Уни ҳали у шаҳарга, ҳали бу вилоятга ишга жунатардилар. Жумладан, 1932 йилда Тошкентда, 1934 йили эса Наманган театрида балеитместер сифатида фаолият юритади. 1937 йилда у “Ўзбекистонда хизмат курсатган артист” унвони билан тақдирланди. 1938 йили Фарғона вилоят театрига ишга жўнатилди. Ўша йили бошланган Катта Фарғона канали қурилишда иштирок этади. У ўзининг театр жамоаси билан меҳнаткаш аҳолининг кўнглини кўтариш учун турли маданий тадбирлар уюштирар эди. Назарзода АҚШ,

Англия, Хитой давлатларида ҳам ўзбек рақс санъатини намойиш этиб келган ижодкорлардан бири саналади. Унинг ижросидаги “Илон рақси”, “ Қайроқ ўйини”, “Лаган рақси”, “Рўмол ўйини”, “Лағмон чўзди”, халқ орасида жуда машхур бўлган. Бундан ташқари у аёл либосида “Наташахоним” каби роли билан ҳам мухлислар кўнгилдан жой олган.

Рақс санъати деганамизда ўзбек миллий рақс мактабининг дарғалари, балеитместерлари- Муккарама Турғунбоева, Исохор Оқилов, Учқун Ғаниев ва бошқа бугунги кунда устоз санъаткорлар сиймоси кўз олдимизга келади. Ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққати бўлганидек, рақс санъатининг ҳам мураккабликлари бор абатта. Айниқса, рақс ўқитвчилари, устозлар меҳнати машаққатини ёзаверсам адоғи йўқ. Бинобарин, яратилаётган ҳар бир янги рақс ўзига хос санъат асари бўлиши лозим. Ана шундай жиддий касб фидоийларидан бири Тошкент шахрининг Собир Рахимов туманидаги “Қурлиш” маҳаласида яшаб ижод қилган Рихсибой ака Вахобовдир. Бу одам умрининг 50 йилини санъатга бағишлаган. Рихсибой Вахобов Тошкентдаги Й. Охунбобоев номидаги шаҳар маданият уйида, вилоят ва шаҳар маданият уйларида, Ўрта Осиё чегарачилари ашула ва рақс ансамблида ишлади. Ўтган давр мобайнида Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистонда бўлиб, турли миллат халқларига мансуб куплаб эркакча рақсларни ўргатди ва уларни сахнага кўйди. Уни шогидларидан бири Ўзбекистонда хизмат курсатган артист, балеитместер Азим Азизов хисобланади. Устоз услубларини кўрган раққос Азим Азизов 1965- 1975 йиллари М. Қорёкубов номидаги Ўзбек давлат филормониясида кундалик ишига ҳамма артистларга қараганда эрта келар, ўзи ижро этиш керак бўлган ҳар бир ўйин ҳаракатлари устида эринмай ишлар, қайта – қайта машқ қилар, кўп изланар эди. Сахнада эса, ўзи сахналаштирган ўзбекча “Рақсга йўл” ва “Помир ўйини” дейсизми, тожикча “Ўғлони шўхи”ми, кавказча “Сувчи рақсими”, ҳиндча “Бхарат Натьям”, афғонча “Озодлик” рақс- поэмасими, Австралиянинг “Макумба” уйини дейсизми, борингки, дастурдаги бор ўйинларни ўта чаққонлик билан қойилмақом қилиб ижро этарди. Шунинг учун ҳам, минглаб томошабинлар



Азизовни “Ўзбекистонлик Махмуд Эсамбоев” дейишарди. Ҳақиқатдан ҳам, бу бу раққос ўша йиллари “ Жаҳон халқлари рақслари ижрочиси” деб тан олинган, ҳатто “ Ўзбектелефильм” студиясида “ Азим Азизов рақсга тушади” деб номланган фильм - концерт ишланган эди.

Муқаррама Турғунбоева номидаги ўзбек миллий рақс бирлашмаси қошида блетмейстер Назриддин Шерматов томонидан тузилган янги “Йигитлар рақс гуруҳи”нинг етакчи яққахон ижрочилари бўлган Эркин ва Ўткир Қаххоровлар ўзбек рақси хореографиясида ўз ўринларига эга бўлдилар. Улар шу соҳада ўз маҳоратини чахлаган иқтидорли санъаткорларимиздан. Улар болалик чоғларидан эрқаклар рақс санъатига қизиққанлар. Аслида Қувалик бўлган ака – укалар Тошкентдаги рақс мактабида таҳсил оладилар. Мактабни тугатгач Эркин ва Ўткир мамалакатимизнинг кўзга кўринган ансамблларида ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Айтиш жойизки бугун улардан бири яъни Эркин Қаххоров рақс соҳасида қатор ютуқларни қўлга киритиб келаётган санъаткорларимиздан. Унинг бадий услубларини тўлароқ ёритиш мақсадида яқин орада “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, “Word Master in Art and Culture” унвонига эга бўлган санъаткорларга бир неча саволлар билан мувожабат этдик:

- Рақс санъатига сизни нима ундади? Нега айнан шу касбни танлагансиз?

- Болалик чоғларимдан бошлаб Наврўз, Янги йил ва бошқа кўплаб байрамларда рақс ижро этганман. Айниқса “Дилхирож” рақсини севиб ўйнаганман. Кейинчалик рақсга бўлган қизиқишимни сезган ота-онам шундай касб эгаси бўлишимга кўмаклашганлар. Чунки улар ҳам рақс санъатсеварлари бўлишган. Айниқса телевидения орқали намойиш қилинган раққос Назриддин Шерматовнинг барча рақсларини мароқ билан томоша қилар эдик.

- Сиз ўзбек рақсига кўплаб янгилик киритгансиз? Услубларингиз ҳақида айтиб берсангиз?

- Мен авваламбор аجدодларимиз бизга қолдирган рақсни ўз ҳақиқий кўринишини сақлаган ҳолда ижро этишга ҳаракат қиламан. Чунки улар бизга жозибали, ҳақиқий ўзбек эркакларига хос ҳаркатларни бадиий ижросини мерос қилиб қолдирганлар. Лекин айтишим мумкинки “Лаган” рақсини ижро қилганимда айланиш ҳаракатларидан ташқари қолган ҳаракатларни импровизация қилиб ижро этаман.

- Миллий эркак рақси билан хорижникининг фарқи борми?

- Бизнинг ўзбек одамларимиз меҳнаткаш халқ бўлганлиги сабабли рақсларимизда арқон тортиш, ер чопиш ҳаркатлари жуда кўп. Масалан “Дилхирож” рақсида ҳам бундай ҳаракатлар талайгина. Жаҳон рақсларида эса уларнинг халқига хос характер рақсда гавдаланади.

- Ҳозирги кунда шахсий репертуарингизда қандай рақслар ўрин олган?

- 1987 йилда Хореография мактабини томонлаганимдан сунг жуда кўп рақсларни ижро этдим. Чунки мен илк бор ишимни Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театридан бошлаганман. У ерда балет рақсига тушар эдим. Энг эса қоларли балет ижройим “Кармен” операсида эди. Сунг “Шодлик”, “Тановор” ансамблларида ҳам ишладим. Ҳозирги кунда Қодир Мўминовнинг “Ўзбекистон” ашула ва рақс ансамлида ишляпман. Шахсий репертуаримда “Дилхирож”, “Лаган”, “Хоразмча”, “Кураш” ва “Ёғоч оёқларда” ижро этиладиган рақслар мавжуд. Уларни кўпинча хориж сахналарида, “Наврўз”, Мустақиллигимиз тантаналарида ижро этиб келяпман.

- Қайси раққосга қараб қад ростлагансиз?

- Устозларим “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” Назриддин Шерматов ва “Ўзбекистон халқ артисти” Қодир Мўминовлардир. Улардан жуда куп рақс ижро этиш услубларни ўрагандим. Масалан Назриддин акамдан (чапанича) яъни жангавор характерда ижро этиш услуби бўлса Қодир акамдан ўзига хос жозибали ҳаракатлар услубини ўргандим. Бу менга

катта ёрдам берди, мен иккала услубни ҳам кўллаб маромига етказган ҳолда рақсларимни ижро этаман.

- Хабаримиз бор сиз кўплаб хорижий мамалакаиларда ўзбек эркаклар рақсларини танитиб келмоқдасиз, шу ҳақда сўзлаб беринг?

- Мен 30 га яқин хорижий давлатларнинг сахналарида рақс ижро этганман. Лекин энг эса қоларлиси 2007 йилда Жанубий Кореяда рақс усталари орасида ўтказилган аънанавий танловда муваффақиятли иштирок этгандим. У ерда мен “Хоразмча” “Кураш” рақсларимни ижро этиб энг олий мукофотга, яъни “Word Master in Art and Culture” совринига сазовор бўлдим. Бу мен учун катта шараф.

- Бугунги кунда эркаклар рақси қай дажада ривожланмоқда?

- Хизирги кунда ансамблдаги ижодий фаолиятимдан ташқари Хореография Олий мактабида болаларга классик рақсларидан дарс бериб келмоқдаман. Шуни бемалол айта оламанки уларда интилиш бор. Эркаклар рақсни ривожланиши авваламбор усиб келаётган келажак авлодга боғлиқ. Хошиш бўлса бас! Мени мақсадим эса ёшларни менга ўхшаган ёки ундан ҳам малакали раққос сифатида тарбиялаш. Келажакдаги орзуларим талайгина, улардан бири йигитлар ансамбилини ташкил қилишдир. Яна бир ўзбек рақс санъатининг фидоийси Қодир Мўминов миллий эркак рақс санъати ривожланишига улкан хисса қўшган ва қўшиб келмоқда. У 200 дан ортиқ рақсларни сахналаштирган. “Чўпон”, “Андижонча”, “Лаган”, “Сўнмас довюррак”, “Хоразмча”, “Дошнобот”, “Уйғурча”, “Балиқчи ва балиқча”, “Тохир ва Зухра”, (Дилафрўз Жабборова билан), “Дўстлик” каби рақсларни маромига етказиб ижро этган. Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминов дунёдаги кўплаб мамлакатлардаги санъат ихлосмандларининг юксак эътирофига сазовор бўлган. Унинг ҳар бир рақси ҳақиқий сахна асари бўлиб, томошабинларни ўзига мафтун этган. Шу боисми, истеъдодли ижодкорнинг “Чўпон” рақсини ҳамон ҳеч бир раққос устоз даражасида ижро эта олмаган. Унинг ижодига чуқурроқ назар солиш мақсадида машҳур санъаткорга бир неча саволлар билан мурожат этдик.

- Билишимизча, сиз спортнинг воллейбол ва енгил атлетика тури билан шуғулангансиз. Аммо кейинчалик профессионал спортчи эмас, балки раққос бўлдингиз?

- Рақс санъати шундай кучга эгаки, уни енгил жуда мушкул. Қарийиб 50 йилдан бери санъатнинг ушбу тури билан шуғулланиб келмоқдаман. Ҳамон ёдимда. Илк мартаба сахнада “Андижон полькаси”ни ижро этган эдим. Шу орқали қизиқишим маълум даражада ортиб борди-ки, нафақат ўзбек, балки бошқа миллий рақсларни ҳам ўргана бошладим. Бироз каттароқ бўлганимдан сўнг устозим ўзи арман бўлса ҳам, катта маҳорат ила бизга ўзбек эркаклар рақс сирларидан сабоқ берган. Мен ундан жуда миннатдорман. Шундай қилиб у бизга “Андижон полькаси”ни ҳаракатларини ургатди. Уша пайтлардан буён шу кунга қадар менда ушбу рақсга бўлган меҳр- мухаббат сақланиб қолди. Ўша вақда кўплаб дустларим билан Фарғона, Андижон, Наманган шаҳарларига гострол сафарига чиқган эдик. Айнан шу сафарлар орқали биз рақс ижро этиш маҳоратимизни пиштириб олдик десам муболаға бўлмайди. Сўнг ўз маҳоратимизни Тошкент сахналарда намойиш этдик.

Менимча мазмун, эстетик таъсири томонларидан рақс орқали ўзимни топдим, ўзимни ифода этдим. Масалан раққос сахнада қандай бўлса, ҳаётда ҳам шундай бўлади.

- Миллий эркак рақси билан хорижникининг фарқи борми?

- Менимча ҳеч қандай фарқ йуқ. Аммо ҳар қандай рақсининг ўзига хос феъл-атвори бор. Мисол учун, кавказ рақсларида хиссиётлар очиқ-ойдин намоён этилса, ўзбек рақсларида бунинг аксини яъни шарқона ўзига хослигини кузатиш мумкин. Миллий рақсларимиздаги ҳар бир ҳаракат гарчи охиригача бажарилмасда, уларда Алпомиш кучи, ўзига бўлган ишонч, жасорат ва куч-ғайрат тўла намоён бўлади.

Ҳар бир халқ ўзининг хореографиясига эга. Менимча, рақсдаги барча ҳаракатлар уларнинг табиий шароити, меҳнат жараёнидан келиб чиққан ҳолда ўйлаб топилган. Масалан, Фарғонада эркак рақслари хотиржам, секин ижро этилади, Сурхандарёда эса тоғли ҳудудлар кўп бўлганлиги сабабли, бир

тоғдан бошқасига эркаклар сакраб юришгани учун рақслар жўшқин, хиссиётларга бой бўлади. Бухорода эса раққослар қимматбахо тақинчоқларга бой либосларни кийишган. Улар оғир бўлгани сабабли рақслари тиззалар эгилган холда ижро этилади.

- Сиз ўзбек рақсига кўплаб янгилик киритгансиз? Услугларингиз хақида айтиб берсангиз?

-Ҳа, албатта. Мен бу соҳада етук мутахассислардан таълим-тарбия олдим. Ўзбек хореография билим юртини битириб, 1969 йилдан бошлаб Алишер Навоий номидаги театрда иш бошладим. Балет артисти сифатида ишладим, сўнг Москва шаҳридаги Луначарский номидаги театр институтининг (ГИТИС) блейтместерлик факультетини тамомладим. Ўша пайтлардан бошлаб менда ўзбек ва классик рақсларни қоришмасини яратиш ғояси туғилган эди. Мени ижодимни кузатаётган хамкасбларим, сахналаштирган постановкаларимда классик рақсларнинг таъсирини яққол сезадилар. Бунга “Сув келди”, “Андижон полькаси”, “Катта ўйин” каби рақслар мисол бўла олади. Бу рақсларни мен биринчи марта эркаклар ижросида сахналаштирганман.

- Қайси раққосга қараб қад ростлагансиз?

- Мен жуда кўп нарсани устозларим Акбар Мўминов, Шокир Аҳмедовлардан ўрганганман. Улар очик темпераментли раққослар хисобланардилар. Мен устозларим кўмагида “Довюррак қахрамон” образини яратганман. Уни 2-3 марта ижро этганман. Шунингдек, мураббийим Евгений Барановский билан бирга “Чабана” номли рақсни кўйганмиз. Айтиш жоизки, бу рақсни аввал Учқун Ғаниев ижро этганида, менга унинг ижроси жуда ёқган эди. Такдир тақазоси билан, кейинчалик бу рақсни менга Учқун Ғаниевнинг ўзи ўргатди. Мен ушбу рақсни 1967 йилда 36 та мамалкатда ижро этишга мувафақ бўлдим. Афсуски, у ҳозир ижро этилмаяпти, лекин мен албатта уни тиклайман.

- Бугунги кунда эркаклар рақси қай даражада ривожланмоқда?

- Ҳозирда кўплаб ансамбларимиз мавжуд. Уларнинг ҳар бирида кўпи билан 4-5 нафар раққосни кўриш мумкин. Бу ҳол мени жуда хавотирлантиради. Афсусуки, ота-оналар боласини рақс тўғарагларига кам беришмоқда. Бундай ахвол албатта эркаклар рақс санъатини ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ваҳоланки, у миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидир. Яна шуни ҳам, таъқдилаб утмоқчиманки, бугунги кунда рақсларда эффект бўлиши учун жуда кўп ҳар хил бошқа халқларга мансуб ҳаракатларни кўриш мумкин. Бу ачинарли, албатта. Агар бундай ҳол давом этадиган бўлса, биз ўзбек рақс санъатининг асл кўринишини йўқотамиз. Шу боис, айти пайтда мазкур масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. “Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Юртбошимиз фармонининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган амалий чора-тадбирлар бунга яққол далил бўла олади.

### Хулоса

Ҳозирги кунда тўй, базм, турли кечалар, қисқаси, ёшлар қатнашадиган деярли барча тадбирлар рақссиз ўтмайди. Яъни поэтик композиция ёки яқка созанда кўшиғига қараганда ёшлар орасида рақс кўпроқ оммалашган. Хўш, шундай экан, нега уни эзгулик мақсадида, маънавий дунёни бойитишга қаратилган санъат туридек қабул қилиш мумкин эмас. Албатта, мумкин.

Бунинг учун, биринчидан, фарзандларимизни боғча ёшидан рақс ўрганишга жалб қилишимиз зарур. Ана шунда маънавий соғлом, жисмоний баққуват, қадди тик, хушқомат, умри узун фарзандларга эга бўламиз. Хозирги кунда республикамиздаги 320та болалар мусиқа ва санъат мактаблирининг 35 тасида хореография синфлари мавжуд. Имкони борича уларнинг шундай синфларни ташкил қилиш керак ва дастур талабалари билан биргаликда, ўша мактаб жойлашган маҳаллий ҳудудида рақс услубини мукамал ўргатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хар бир касбнинг келажагини ёш истеъдодлар белгилайди. Уларни саралаш учун эса танловлар зарур. Хозир мусиқа ва қўшиқчилик соҳасида булганидек, хореография соҳасида ҳам бошланғич ва ўрта бўғинларда, яъни болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ҳамда санъат билим юртлари хореография бўлимлари талабалари орасида пухта тайёрланган, профессионал даражада республика танловлари ўтказиш вақти етди. Бундай танловлар раққосларнинг ўз касбига қизиқишини орттирса, бошқаларда бу санъатга меҳр уйғотади.

20 аср мобайнида жаҳон рақс санъатининг танго, рок-н-рол, рэп, бал рақслари ва бошқа турларининг юртимизга кириб келиши табиий эди. Тарих саҳифаларига биноан уларнинг ҳеч бирини ёшлар учун тақиқлаб бўлмади. Аксинча, ушбу рақсларни ўрганиш, урф – одатларимиз, менталитетимизга туғри келадиган томонларини ўзимизга мослаштириш кучайди. Республикаимизни “Офарин”, “Сабо” рақс ансамбллари жаҳонга баъзи спорт, санъат турлари намоёндолари каби замонавий рақс соҳасида ҳеч кимдан кам эмаслигини намоёйиш этади.

Купчилик тўй ва базмларда рақсга тушаётган ёшларимизининг ёқимсиз, беҳаё қилиқларидан одам ранжийди. Бу аввало ёшларнинг билимсизлиги оқибатида. Агар ўша ўспирин ёшлигидан боғчада, мактабдаги тўғаракларда ёки клубларда рақс деб аталмиш жозибали санъатнинг дастлабки «алифбо»сини ўрганганида ўз қилиқларидан уялган бўлар эди. Зеро барча

санъат турлари каби рақс санъати ҳам ривожланган мамлакатлардагидек оммавий тарзда ўрганишга арзийди.

Анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш барча халқ ансамблларида бир хил изчил ва кўнгилдагидай олиб борилди, деб айтиш қийин. Зеро, бу масала бадий раҳбарларнинг билимдонлигига ва ижодий изланишларига боғлиқ. Лекин қандай бўлмасин Тошкент шаҳрида қарор топган “Баҳор”, “Лазги”, “Зарафшон” каби давлат ансамблларида Фарғона, Хоразм ва Бухоро ижро услублари қоришиб кетган, ансамбллар ўз манбалари халқ ижодиётидан узоқлашиб бораётган эр – йигитлар рақси инқирозга юз тута бошлаган бир пайтда вилоятлардаги халқ ансамблларнинг анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш борасидаги фаолияти ибратли бўлади.

Киши қанчалик қоил қолмасин, қанчалик завқ олмасин, камалак нурлари жозибасини ушлаб қолиши қийин бўлгандек, ўзбек халқ эркаклар рақслари нафосатини ҳам қоғозга тушириш ёки сахнага кўчириш мушкул. Ана шу омилнинг ўзидан жозибадор халқ рақслари нафосатини илғаб олиш, муҳрлаш, ўрганиш ва ўрганувчилар учун имкон яратиш йўлларини қидириб топиш муаммоси туғилади. Тўғри, кинони, фотосурат, телевидениени, компьютерни техник воситалари мислсиз равақ топган ҳозирги замонда бу муаммони ижобий ҳал этишнинг имкониятлари йўқ эмас.

Агар мутахассис ва хаваскорлик сахналарида, телекўрсатув ва фестивалларда намоиш этилаётган ўзбек эркаклар рақсларига эътибор берсагиз, уларнинг аёллар рақсларидан фарқи жуда кам эканлигини кўрасиз: деярли барча эркак рақсларида юмшоқ ҳаракатлар, қарашмалар, буралиб, товланишлар кўзга ташланади. Албатта бундай ҳолат кишиларнинг ғашига тегмасдан қолмайди. Айни вақтда шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек халқини умумхалқ байрамлари, томошалари ва оммавий сайилларида йигитлар рақсисиз ўтмайди ва бу тадбирларда ҳеч бир йигит аёлларга хос ўйнамайди. Эҳтимол, ҳаёт билан сахна ўртасидаги ана шу номунатосиблик ўзбек эркаклар рақсининг таназзулига сабаб бўлаётгандир.



Бизнингча, бу икки хил рақснинг фарқини билиш шарт. Жумладан, машҳур раққос Юсуфжон қизиқ Шакаржонов эркаклар рақсини эркакча ёки аёлларга хос усулда ўйнашни билар эди.

Доғистоннинг машҳур раққоси, халқ артисти Маҳмуд Эсонбоевнинг кишини хайратга солувчи мафтункор рақсларини бир эсланг. Унинг ҳар бир рақсидан чексиз завқ олиш мумкин.

Ўзбек эркаклар рақсларининг таназзулга юз тутиб, халқ орасида ҳақиқий аёллар рақслари тоифаси мавжуд бўлгани ҳолда, сахна рақсларининг ўта қоришиқ эклектик тус олиб бораётганлигида махсус ўқув юр்தларининг ҳам “ хиссаси”бор.

Шуни айтиш жоизки, деярли барча ўқув юр்தларида рақс дарслари болалар ва қизлар қўшилган ҳолда олиб борилади. Натижада, хореограф-педагог қандай ҳаракатни машқ қилдирмасин, йигитлар ҳам қизлар ҳам, деярли бир хилда бажаришади. Рақс бобида йигитлардан кўра қизларнинг моҳирроқ эканликларини ҳисобга олганда, қизларнинг чиройли моҳорат билан бажарган ҳаракатларини ўғил болалар тақлид этиб бажаришга интиладилар ва йиллар давомида шу услубда ўқиш-ўрганиш натижасида аёллар ҳаракатларига қўниукиб қоладилар. Демак, рақс санъатининг ўзига хос специфик табиатидан келиб чиқиб, ўқиш – ўқитиш жараёнида йигитлар билан қизлар синфини ажратиш ва машғулотларни алоҳида олиб бориш зарур. Бу юқоридаги иллатларининг олдини олишнинг муҳим омилларидан биридир.

Шунинг учун ўзбек халқ эркаклар рақси мактабини тиклаш, халқ орасида мавжуд бўлган ҳақиқий эркаклар рақсларини касбий ва ҳаваскорлик сахнасига олиб чиқиш учун фаол ҳаракат қилиш ҳозирги кунинг энг муҳим вазифаларидан бири. Ҳақиқий эркаклар рақсини тиклашимиз учун, туманларда, вилоятларда, кейин республика миқёсида раққосларнинг кўрик танловларини ўтказиш зарур. Булар вилоят ва жумҳурят ойнаи жаҳони орқали кўрсатиб борилиши лозим. Телевиденияда “ Мархабо талантлар” кўригининг тиклангани яхши бўлди. Айниқса Андижон вилоятининг концерт

дастурларидаги раққос йигитларнинг чиқишлари мени завқлантириб юборди. Уларда биттасининг “Муножат”га рақсга тушишини кўриб, дилимизга ёруғлик инди. Мана шуларни кенг тарғиб қилиш учун хореография билим юрталирда, санъат ва маданият институтларида, филормонияларда эркаклар рақсини ўргатувчи бўлимлар очиш керак. Буларга тажрибали мутахассисларни, раққосларни жалб этиш айтиш муддао бўлар эди. Шунингдек эркаклар рақси маҳоратини ўрганувчиларга мўлжаллаб, ўқув кўлланмалар рангли суратлари билан чоп қилиш лозим. Мана шуларнинг амалга ошиши ҳақиқий миллий эркаклар рақсини янгидан барпо қилишга ёрдам берган бўларди.

Ўзбекистон Маданияти ва санъати Форуми жамғармаси томонидан 2008 йилда Япония (Жапа) миллий рақс ва мусиқа ассоциацияси иштирокида 24 август куни Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театрида маданий кеча ўтказилди. Тадбир дастурида япон ҳалқига мансуб турли хил рақслар ижро этилди. Айтиш жойизки концертда барабанчилар иштирокида япон раққослари томонидан “Шиши” номли эркаклар рақси ижро этилди. Тадбир доирасида “Офарин” замонавий рақс театри жамоаси ижодкорлари ҳам ўз рақсларини намойиш этдилар. Шунингдек “Офарин” замонавий рақс театр жамоаси ўтган йилги ўз концерт дастурларидан томошабинлар эътиборига баъзи рақсларни хавола этдилар. Миллий эркаклар рақси усталари Анвар Каландаров, Айдос Нурманов, Мирзохид ва бошқа раққослар замонавий рақсларни маромига етқазиб ижро этдилар. Тадбирда раққоса Наргиза Хайиталиева томонидан илк бор ижро этилган “Лаган” эркаклар рақси барчани хайратга солди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Назриддин Шерматов томонидан сахналаштирилган ушбу рақс пастановкасини репетициялари осонгина ўтмади. Раққоса таъкидлашича репетицияларда бир неча лаганлар ҳам синиб кетди., лекин натижаси олқишларга сазовор бўлди. Эслатиб ўтамиз “Офарин” замонавий рақс театр жамоаси Москва, Париж, Токио, Қозоғистон, Исройил, Франция ва бошқа кўплаб мамалакатларда миллий эркак рақсларимизни дунёга машхур қилиб

томошабинларни кўнглидан жой олишга эришдилар. Натижада Ўзбекистон ва Япония халқлари орасида маданий алмашинув ва дўстлик алоқалари ўрнатилди ва рақс санъати халқаро муносабатлар ўрнатилди ўзини ёрқин ахамиятини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов. И. А-“Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони. 1996 йил 27 август. 1997 йил 8 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси 1997 йил 1-сон, 26-28 бетлар.
2. Каримов.И.А-“Ўзбекистон 21 асарга интиломда” Тошкент Ўзбекистон нашриёти 2000 йил Иккинчи боб «Жамият маънавиятини янада юксалтириш».
3. Каримов. И. А- «Юксак маънавият енгилмас куч» Тошкент маънавият нашриёти 2008 йил.
4. Каримов. И. А- «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» “Ўзбекистон овози” газетаси 1998 йил 22 август.
5. Ўзбекистон бидиий Академияси санъатшунослик илмий тадқиқот институти –“Санъат тарихи””Ширқ нашриёти” 2001 йил.
6. Любовь Авдеева- “Ўзбек миллий рақс и тарихидан”. Тошкент 2001 йил.
7. Любовь Авдеева-“Мухитдин Кори-Ёқубов” Тошкент Гофур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1984 йил.
8. Любовь Авдеева-“Мукаррама Туғунбоевнинг рақси” Тошкент Гофур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1989 йил.
9. Розия Каримова – “Хоразм рақси” Гофур Гулом номидаги нашриёт 1975 йил
10. Розия Каримова- “Бухоро рақси” Гофур Гулом номидаги нашриёт 1977 йил
11. Розия Каримова- “Фарғона рақси” Гофур Гулом номидаги нашриёт 1973 йил
12. Розия Каримова – “Исохор Оқиловнинг постановкаларида Ўзбек рақслари” Гофур Гулом номидаги нашриёт 1987 йил.
13. Дилфуза Сайфуллаева ва Зухра Казакбаева- “Ўзбек рақс санъати тарихи ва рақс сахналаштириш сирлари” “ Voris- нашриёти” 2006 йил.

14. Розия Каримова ва Фароғат Собирова – “Нурсафардийя харакатлар тизимида ўзбек миллий рақслари ва жанговор уйинлари” “Lider Press” нашриёти 2008 йил.

15. Розия Каримова- «Равия Отожонова раёслари» Тошкент Гофур Гулом номидаги нашриёт 1983 йил.

16. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 7 жилд 266 бет 2004 йил Давлат илмий нашриёти.